


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60310903– *Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ўзбекистон Миллий университети;

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60310903 – <i>Психология (амалий психология)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 60310903 - <i>Психология (амалий психология)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60310903– <i>Психология (амалий психология)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 60310903- <i>Психология (амалий психология)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60310903- <i>Психология (амалий психология)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60310903- <i>Психология (амалий психология)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60310903- <i>Психология (амалий психология)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60310903- <i>Психология (амалий психология)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1. Умумий компетенциялар.....	8
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	10
Келишув варағи.....	11

## **1. 60310903 – Психология (амалий психология) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60310903-Психология (амалий психология)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **60310903-Психология (амалий психология)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60310903-Психология (амалий психология)** –Ижтимоий ва хулқ-атворга мансуб фанлар таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида; оммавий ахборот воситалари, давлат ва маҳаллий бошқаруви органлари, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида; хусусий психологик хизмат кўрсатиш марказларида психологик ёрдам кўрсатиш; Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази психодиагностик тадбирлар уюштириш; ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтида; реабилитация марказларида, спорт жамоаларида психологик хизмат кўрсатиш; Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий бўлимларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

### **1.2.2. 60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– корхона, ташкилот ва муассасаларда психологик ёрда кўрсатиш; таълим муҳитида психологик тадбирларни ташкил этиш ва уни амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда ходимлари, реабилитация ва психологик хизмат марказлари клиентлари;

– республика ташхис маркази тестлари ва уларни ўтказишни ташкил этиш жараёнлари, психологик тадқиқот методикалари;

– спорт жамоаси тренери ва спортчилари; психологик хизмат кўрсатиш мижозлари; шахсий муаммолари билан мурожаат қиладиган пациентлар;

– экспериментал психология лабораторияси жиҳозларини ташкиллаштириш ва қўллаш; савдо ва маиший хизмат кўрсатишдаги психологик муаммоларни ҳал этиш; маҳаллалар ва фуқаролар;

– аҳолига психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш; ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларда психологик ёрдам кўрсатиш;

– кадрларни танлаш ва улар фаолиятини психологик ташкил этиш; психодиагностик, психологик маслаҳат, психокоррекция, психопрофлактик, психологик маърифат тадбирлари ва психология ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

### **1.2.3. 60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

• *илмий-тадқиқот фаолияти;*

• *ташкиллий-бошқарув фаолияти;*

• *маънавий-маърифий фаолияти;*

• *лойиҳавий фаолияти;*

• *педагогик фаолияти (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида);*

• *турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4. 60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:*

**Илмий-тадқиқот фаолиятида**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда психологик мавзуларга оид тадқиқотларда иширок этиши;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- психологияга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет-эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар, ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;
- илмий-амалий журналларга мақолалар тайёрлаш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш; соҳа адабиётлари экспертизасини амалга ошириш;
- психология фани соҳасига доир илмий-тадқиқотлар бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни уйғунлаштириш;
- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида**

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- психологик тадқиқотлари ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларида психологик фаолиятини бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

#### **Маънавий-маърифий фаолиятида**

- ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида психологик маърифат тадбирларини ташкил этиш;
- маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш ва кўрсатувларда психологик материаллар билан иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Лойиҳавий фаолиятда:**

- жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базаси яратиш;

- тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

- психологик кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

- фан соҳасидаги хорижий лойиҳаларда иштирок этиш;

- психология йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

**Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида:**

- таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- таълим соҳасида хорижий таълим тажрибаларини жорий этиши лозим;

- таълим муассасасида психологик хизматни ташкил этиш;

- таълим муассасасидаги муаммонинг ечишда психологик усуллардан фойдаланиш;

- ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчилар гуруҳларида психодиагностик, психопрофлактик, психокоррекциялаш ва психологик маърифат йўналишида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар бериш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- педагогик жамоадаги зиддиятлар, низоларни бартараф этиш ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:**

- пуллик психологик хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- фуқаролар ичидан индивидуал психологик ёрдамга мухтож кишиларга пуллик хизмат кўрсатишни қобилиятига;

- шахснинг индивидуал фаолияти, оилавий ва шахслараро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни психологик ҳал этиш кўникма ва маликаларига;

- болаларнинг шахсий камолоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан психологик маслаҳатлар бериш қобилиятига;

- психологик ва социал-психологик тренинг курслари ишлаб чиқиш ва психологик ёрдамга мухтож инсонлар муаммоларини ечиш қобилиятига;

- бола, катта ёшдагилар ва ақлий тараққиёт ҳолатини аниқлашга зарурат сезган шахсларга психодиагностик ва психологик маслаҳат ёрдам кўрсатиш;

- фуқароларнинг шахсий муаммоларини психологик жиҳатдан ечишга кўмаклашиш;

- муассаса, ташкилотларда ва корхоналарда психологик хизматни ташкил этиш ва уни амалга ошириш;

- психологик хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио махсулотларни экспертиза қилиш;

- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;
- муассаса ва ташкилотларда психологик тадқиқотларини ўтказиш;
- муассаса ва фаолиятини психологик таҳлил қилиш;
- турли психологик хизмат соҳаларида хорижий тажрибаларини жорий қилиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг психологик стратегияларини ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

## **2. 60310903-Психология (амалий психология) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш;
- психологик экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш, методикаларини танлаш ва қўллаш;
- шахснинг мотивацияси соҳаси, эмоционал-иродавий соҳаси, когнитив соҳасига кўра экспериментларни ташкил эта олиш;
- психологик тадқиқот методлари ва методикаларини саралаш, уларни татбиқ қилиш ва натижаларини талқин этиш;
- психологик текширув ва тадқиқот босқичларини режалаштириш, психодиагностика даражалари бўйича текширув ва тадқиқотни ташкил этиш, психодиагностика натижалари бўйича хулосалар тайёрлаш;
- психодиагностика методикалари ишлаб чиқиш, мослаштириш ва татбиқ қилиш;
- психодиагностика методикаларини татбиқ қилиш, натижаларни қайта ишлашда миқдор ҳамда сифат таҳлил усулларини қўллаш;
- психологик текширув ва тадқиқот натижаларига кўра диагноз қўйиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоаларнинг психологик хусусиятларини баҳолаш ва улар социал-психологик тавсифномасини ишлаб чиқиш;
- социал-психологик тренингни ташкил қилиш ва унинг ўтказиш технологиясини татбиқ қилиш;
- психологик тренинг дастурларининг ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- пациент ва клиентларнинг хусусиятига кўра психологик консультация ва психокоррекция тадбирларини ташкил қилишни билиш;
- психологик консультация ва коррекцияни ташкил қилиш ва ўтказиш

технологиясини қўллаш олиш;

- тармоқ ва соҳаларга қўра психологик хизмат йўналишларини белгилаш ва хизмат турини ташкил этиш;

- факулдда вазиятларда экстремал психологик ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш;

- психология муаммолари доирасида лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- психологик маърифат тадбирларини ташкил қилиш;

- психологик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

- психологик тадқиқот методлари ва методикалари, психологик тренинг ва консультацияни ташкил этиш технологиялари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

- ижтимоий-иқтисодий соҳа ва маданий-маърифий йўналишларда фаолият олиб боровчи ташкилотларга психологик хизмат кўрсатиш турини тавсия этиш кўнималарига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---


### Таянч сўзлар:

психика, эволюция, эксперимент, кузатиш, тест, онг, шахс, психоанализ, гештальт психология, когнитив психология, ички регуляция, мотив, мотивация, қадриятлар, установка, қизиқишлар, эмоция, хиссиёт, ирода, иродавий актлар, сезги, сезги чегараси, сезги қонуниятлари, сезги хусусиятлари, идрок, идрок хусусиятлари, хотира, тафаккур, тафаккур жараёнлари, психодиагностика, метод ва методика, тест, интеллект тести, аклий тараққиёт, шахслараро муносабат, тренинг, социал-психологик тренинг, диний эътиқодлар, шахс ҳулқ-атвори, ижтимоий муносабатлар, психосоматика; соматопсихик, психосоматик; практикум, семинар, лаборатория, психологик хизмат, таълим муассасаларида психологик хизмат; психологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлар методлари ва технологиялари, ҳуқуқ тартибот идораларида ва ҳарбий соҳада психологик хизмат, тиббий муассаларда психологик хизмат, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  И.Маджидов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ректор  М.Камилов


202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.


202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси жамоат  
хавфсизлиги университети

Бошлик  М.Рустамбаев

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот  
институтини


Директор  Н.М.Эгамбердиева

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

М.Ў.

Тошкент давлат педагогика университети

Ректор  А.Ю.Умаров

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310903–Психология (амалий психология); 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

### КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ” \_\_\_\_\_ 2021 йил

Биз, куйида имзо чекувчилар – “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори Н.Эгамбердиева, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори М.Камилов, Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи М.Рустамбоев, Тошкент давлат педагогика университети ректори А.Умаров, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. И.Маджидов билан биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган куйидаги бакалаврият таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режалари мазмунини билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича)
2. 60310903–Психология (амалий психология);
3. 60310904–Психология (оила психологияси);
4. 60310905–Психология (ёшлар психологияси);

Малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори

Н.Эгамбердиева

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори

М.Камилов

Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи

М.Рустамбоев

Тошкент давлат педагогика университети ректори

А.Умаров

Ўзбекистон Миллий университети ректори

И.Маджидов

Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишларини бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёртарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режаларига

### ТАКРИЗ

М.Улутбек номидаги ЎзМУ да 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишларининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Девоинининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори билан тасдиқланган таъйинларга амал қилинган.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш қабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш таъйинларига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўлай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсмоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишларининг таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қондалари талабларини қониқтиради ҳамда уларни тасдиқлашни таклиф қиламан.

“Маҳалла ва оила” илмий-таълим институти директори



Н.Эгамбердиева

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (онла психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишларини бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режаларига

### ТА Қ Р И З

М.Улугбек номидаги 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (онла психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) йўналишларининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорлари билан тасдиқланган таълим режаларига амал қилинган.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (онла психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юктамаси ҳажми, таълим оловчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри кўрсатилган. Таълим йўналишида ўқитиладиган барча блок фанлари тўғри танланган. Таълим оловчиларда ҳориж тажрибаси асосида чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда илғор хорижий ОТМ ларининг замонавий услуб ва технологияларига, ўқув машғулотларининг шакллари ва мустақил билим олишга кенг ўрин берилиши диққатга сазовордир. Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос ҳолда тузилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган. Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (онла психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ҳолда сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

Тошкент давлат педагогика университети  
“Психология” кафедраси мудир,  
п.ф.н. доцент

Н.Халилова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60310900–  
Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий психология), 60310904–  
Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим  
йўналишларини бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси  
ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув  
режаларига

### ТА Қ Р И З

"Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш  
миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар  
сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар  
талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илгор жаҳон  
даражасига мувофиқлигини таъминлаш бевосита малака талабларининг мазмунига боғлиқ.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий  
психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар  
психологияси) йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикасининг  
"Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" қонунлари, Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини  
ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол  
иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019–2023 йилларда Мирзо  
Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар  
тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-  
тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарорлари ҳамда ЎзР ОЎМТВ нинг 2018 йил 6 июндаги  
"Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги  
№87-02-1322-сонли буйруғи, олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив ҳуқуқий  
ҳужжатларга ҳамда ҳориж тажрибаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий  
психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар  
психологияси) йўналишлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари ҳориж  
тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш,  
юқсак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган,  
бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш,  
қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака  
талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий  
ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига,  
семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг  
ўрин берилган.

Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари  
битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллаш  
олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган  
вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоги битирувчининг  
назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини  
шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг  
талаб ва тақлифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–  
Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–  
Психология (ёшлар психологияси) йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган  
янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари  
даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид  
масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш  
tizими қондалари талабларини қондиради ҳамда уни тасдиқлашни тақлиф қиламан.

"Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот  
институтининг илмий котиби



Ҳ. Абдусаматов

**60310903–Психология (амалий психология)  
бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

<b>Т.р.</b>		<b>Фанлар блоклари ва блокларининг номлари</b>	<b>Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда</b>
<b>1.00</b>		<b>Мажбурий фанлар</b>	<b>5220</b>
1.01	OMTB205	Олий математика	150
1.02	UYTB104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.03	FALB204	Фалсафа	120
1.04	URTB104	Ўзбек (рус) тили	120
1.05	XJTB106	Хорижий тил	180
1.06	UTSB203	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.07	JTSB102	Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.08	RATB206	Ракамли ва ахборот технологиялари	180
1.09	UMPB131	Умумий психология	930
1.10	EKPB119	Экспериментал психология	570
1.11	PSTB108	Психология тарихи	240
1.12	SOPB107	Социал психология	210
1.13	PMQB207	Психологик маълумотларни қайта ишлаш методлари ва технологиялари	210
1.14	UPDB206	Умумий психодиагностика	180
1.15	PTAB306	Психологик тренинг асослари	180
1.16	PKPB 307	Психологик консультация ва психокоррекция	210
1.17	UPKB306	Умумий педагогика	180
1.18	PPPB307	Педагогик психология ва психологиянинг ўқитиш методикаси	210
1.19	KLPB305	Клиник психология	150
1.20	BISB306	Бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат	150
1.21	YRPB307	Юридик психология	120
1.22	TMPB408	Таълим муассасаларда психологик хизмат	240
1.23	HTIB407	Меҳнат ва муҳандислик психологияси	210
1.24	EVPB407	Экстремал вазиятларда психологик хизмат	210
<b>2.00</b>		<b>Танлов фанлар</b>	<b>960</b>
		<b>Жами</b>	<b>6180</b>
		<b>Малакавий амалиёт</b>	<b>571</b>
		<b>Яқуний давлат аттестацияси</b>	<b>450</b>
		<b>Жами</b>	<b>1140</b>
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>7200</b>